# ЖАМИЯТИМИЗ МАҚСАДИ: ИНСОНПАРВАРЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА АДОЛАТ

**Иккинчи мақола**

*Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Юртимизда бу соҳада юз кўрсатаётган ижобий ўзгаришлар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир муҳим масала — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир, деб алоҳида таъкидлаган эди.*

*Президентимизнинг шу йил 1 августда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони бунинг амалий ифодаси бўлиб, жамиятимиз ҳаётида улкан воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари Алишер ШАРАФУТДИНОВ билан суҳбатимиз айни шу хусусида кечди.*



## ЖАЗОНИНГ МУҚАРРАРЛИГИ

### жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатади

— Ўлим жазоси ўта мураккаб масала, — дейди А.Шарафутдинов. — Бу ҳақда сўз кетса, умр инсонга Яратган томонидан фақат бир марта берилиши ва уни қандай сабаб бўлишидан қатъи назар, тортиб олишга ҳеч кимнинг маънавий ҳаққи йўқлиги англашилади. Президентимиз ҳам ҳар гал бу жазо ҳақида муносабат билдирганида, айни шу жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратганди. Инсонга, унинг Парвардигор ато этган ҳаётига ҳамиша буюк неъмат сифатида қараш маънавий қадриятларимиздан эканини таъкидлагани фикримизнинг далилидир. Зеро, миллий қонунчилигимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида белгиланган. Яшаш ҳуқуқи ҳар кимнинг узвий ҳуқуқидир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди.**

Шу боис ҳам, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсон манфаати йўлида амалга оширилаётир. Ҳатто нисбатан мураккаб бўлган жиноий жазо тизимининг ҳам айнан шу омилга хизмат қилиши таъминланаётгани диққатга сазовордир.

Ахир, яқин ўтмишда, яъни шўро даври қонунчилигида ҳимоя қилинадиган асосий субъект — давлат субъекти ҳисобланган. Одамларга зарар етказиш, қотиллик бир четда қолиб, давлатга зарар етказиш ўта оғир жиноят сифатида қаралган. Бундай жиноятни содир этган шахслар ўта шафқатсизлик билан жазоланган.

Мустақиллик шарофати ила жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларининг кучайиши ва амалда қўлланилишини таъминлашга эришилаётгани мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг олий қадрият даражасига кўтарилганидан далолатдир.

Истиқлолгача бўлган даврда жиноят қонунчилигимизда ўлим жазоси билан боғлиқ 30 дан ортиқ моддалар бўлгани, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли бугунги кунда унинг сони иккитагача камайтирилгани ва уни бутунлай бекор қилиш масаласининг ҳал этилиши замирида ҳам айнан шундай мақсад мужассам. Зеро, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки, биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазо муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ.

**— Жиноий жазоларнинг либераллаштириши хусусида тўхталдингиз. Бунинг самараси ҳақида аниқ далиллар асосида сўзлаб берсангиз.**

— Айни соҳада туб ўзгаришлар амалга оширилишига замин яратган, 2001 йилда қабул қилинган **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун шу йили октябрь ойида кучга кирганидан сўнг қарийб олти ой ичида 40 мингдан зиёд маҳкум озод этилиб, қамоқхоналардан чиқариб юборилди. Бу ҳолни ҳар ким ҳар-хил баҳолади. Айрим «пессимист»лар ўшанда жиноятчиликнинг жилови қўлдан чиқарилди, энди ҳаммаёқни жиноятчи босади, деб айҳаннос солди. Амалиёт, ҳаёт эса бунинг мутлақо аксини тасдиқлади.

Айниқса, ҳозирги пайтда ўтказилаётган таҳлиллар жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши сиёсатининг оқилона ва узоқни кўзлаб амалга оширилаётганидан дарак беряпти. Жиноятга оид сиёсатда, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги туб ўзгаришлар мамлакатда ижтимоий-сиёсий, криминоген вазиятга ижобий таъсир кўрсата бошлади.

Бу борада қабул қилинган қонунлар ва бошқа бир қанча қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноятларнинг таснифланиши ўзгартирилгани, ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноятлар рўйхати камайтирилгани, содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилгани, жиноий жазолар тизимини либераллаштиришга қаратилган бошқа бир қанча дастурий чора-тадбирлар қабул қилингани бунга йўл очаяпти.

Муҳими, фуқароларимизнинг бунинг моҳиятини англаб етаётганида. Билиб-билмай жиноятга қўл ураётганларнинг ўз айбига иқрор бўлиб, бунинг оқибатида юзага келган нохуш ҳолатларни бартараф этишга, айниқса, етказилган зарарни қоплашга ҳаракат қилаётганининг ўзи уларнинг жазони муқаррарлигини англаб етаётганидан дарак беради.

Илгарилари жиноятчиларнинг аксарияти жазодан қутулиш учун ёлғон кўрсатма бериб терговни чалғитишга уриниши ёки бекиниб ортиқча муаммолар туғдириши оқибатида жиноятнинг очилиши қийинлашган ҳолатлар кўп эди. Эндиликда жиноятчининг ўзи терговчига яқиндан ёрдам беряпти. Натижада ҳозирги пайтда жиноят ишларининг 60 фоизидан ортиғи бир ой давомида якунига етказиляпти. Қисқа муддатда ҳал этилаётган ишлар сони уч баравар ошди. Аввал бир ойда умумий ишнинг бор-йўғи 17-18 фоизи тугалланар, қолганлари ойлаб чўзилар, бу терговчилар учун ҳам, иши терговда бўлганлар ҳам учун осон эмасди.

Ярашув билан тугаётган ишлар самараси ҳам бугун яққол намоён бўляпти. Бу жараёнда судланганлик ҳолати камайибгина қолмай, одамлар ўртасида меҳр-оқибат риштаалари мустаҳкамланаётгани қонунчилигимизда бу тоифадаги янгилик ва имтиёзларни янада кенгайтириш зарурлигини тақозо этаётир.

Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Миллий анъаналаримиз руҳида тарбияланган кўпгина фуқароларимизга содир этган жинояти учун сўроқ ёки тергов ишлари бошланишининг ўзиёқ тегишли хулоса чиқариб олиш ва қонунни бошқа бузмаслик учун кўп ҳолларда кифоя бўлади.

**— Ўлим жазоси ўта оғир жиноятларга нисбатан қўлланилган. Унинг бекор қилиниши ушбу тоифа жиноятчиларга қандай таъсир кўрсатиши мумкин? Энди бундай жиноятлар кўпайиши мумкин, деяётганлар ҳам йўқ эмас.**

— Шу ўринда ўрта асрларда рўй берган қизиқ бир воқеани ёдга олсак. Қисқаси, ўша даврда чўнтаккесар ўғрилар учун ўлим жазоси қўлланилган. Қатл бошқаларга сабоқ бўлиши учун кенг майдонларда амалга оширилган. Шундай ижролардан бири тугаганидан сўнг тўпланган одамлардан 17 нафарининг чўнтаги кесиб кетилгани аён бўлган экан.

Демак, юқорида таъкидлаганим каби, жазонинг оғирлиги жиноятчи камайишига сабаб бўлади, деган қараш мутлақо нотўғридир. Аксинча, жазонинг муқаррарлигини одамлар онгига чуқур сингдиришни янада яхши йўлга қўйишимиз лозим. Бу борада энг самарали таъсир чораларидан, хусусан, жамоат назорати ва таъсиридан кенг фойдаланишимиз даркор.

Қилмишидан вақтида хулоса чиқарадиган, бир сўз билан айтганда, тушунадиган одамларга нисбатан қонунларимизда ифодасини топган инсонпарварлик тамойилини қўллаш билан бирга, одамгарчиликдан чиқиб, оғир жиноятлар қилиб ўзгаларга, жамиятга зиён-захмат етказувчи жиноятчига нисбатан эса жазо муқаррар ва уларга қонунларимизнинг қатъийлигини албатта кўрсатамиз.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши жиноятлар кўпайишига таъсир қиладими-йўқми, деган саволга келадиган бўлсак, жиноят ва унга тайинланадиган жазо жиноятларнинг ўсиши ёки камайишига мутлақо таъсир килмайди. Улар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, хусусан, айрим жиноятчиларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазонинг тайинланиши бу тенденцияга мутлақо таъсир кўрсатмаётгани ҳам буни тасдиқлайди.

**— Фармонда ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий этилиши айтилган. Бу борада ички ишлар идоралари зиммасига қандай масъулият тушади?**

— Бундай жазоларнинг жорий этилиши, албатта, бунга ҳукм қилинганларни сақлаш муаммосини юзага келтиради. Маҳбуслар сақланадиган битта колония қуриш кичик шаҳар бунёд этишдан кўра мураккаброқ. Шунинг учун ҳам айнан шундай ва бошқа тушунтириш ишларини олиб бориш, якунига етказиш учун анча вақт керак.

Шу боис ҳам фармон ижросини таъминлаш борасида вазирлигимиз бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда иш олиб боряпти.

Фармонда таъкидланганидек, ўлим жазосининг бекор қилиниши аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришни, биринчи навбатда, мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги изчил ҳаракатларини асослаб бериш зарур.

Бу борада биз тарғибот-ташвиқот ишлари билан бирга оммавий ахборот воситалари кучидан унумли фойдаланишимиз зарур. Қачонки, аҳоли Президентимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенгликка асосланган фармони моҳиятини чуқур англаб етсагина кутилган натижага эришамиз.

Давлатимиз раҳбарининг Фармонида ички ишлар идоралари олдига қўйилган масъулиятли вазифалар ўз вақтида адо этилади. Бу эса мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янада самарали бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

**Журналист Норгул АБДУРАИМОВА суҳбатлашди.**

---

*Истиқлол йилларида Ўзбекистонда мутлақо янги суд-ҳуқуқ тизими шакллантирилди. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари босқичма-босқич, тадрижийлик тамойили асосида изчил амалга оширилмоқда. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонида «Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим вазифаси жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштириш ҳисобланади», — дея қайд этилган.*

## ЯШАШ ҲУҚУҚИ ДАХЛСИЗДИР

Мазкур фармонни уч нуқтаи назардан,

биринчидан, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим тарихий воқеа;

иккинчидан, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг узвий таркибий қисми ва муҳим босқичи;

учинчидан, Ўзбекистонда шакллантирилаётган адолатли ва инсонпарвар фуқаролик жамияти сари қўйилган қадам деб баҳолаш мумкин.



Акмал САИДОВ, профессор

Ҳақиқатан ҳам, мазкур Фармонга биноан мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинади ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий қилинади. Демак, салкам икки ярим йилдан сўнг ўлим жазоси бекор қилинади. Бу муддат зарурийдир. Чунки бу муддат ичида уч йўналишдаги масалаларни ҳал қилиш лозим бўлади.

Биринчи йўналиш — ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган зарур қонун ҳужжатларини тайёрлашни кўзда тутади. Гап Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Жиноят-ижроия кодексига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар ҳақида кетмоқда. Бу таклифлар Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати томонидан 2006 йилнинг 1 январигача тайёрланиши лозим. Бу уч кодексга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар, биринчидан, ҳозирги вақтда ўлим жазоси тайинлашга йўл қўядиган жиноятлар содир этган шахслар учун озодликдан маҳрум этишнинг аниқ муддатларини, иккинчидан, бундай жиноятлар учун жазо тайинлаш, озодликдан маҳрум этиш муддатларини ҳисоблаш тартиби, шунингдек, ўлим жазоси ўрнига жорий этиладиган жазоларни ижро этиш тартиби ва шартларини ва учинчидан, умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлайдиган судларни аниқ белгилаб бермоғи керак.

Иккинчи йўналиш — ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини қамраб олади.

Учинчи йўналиш — умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларни сақлаш учун, биринчидан, зарур ихтисослаштирилган муассасаларни қуриш ва фойдаланишга тайёрлаш чораларини, иккинчидан, ушбу муассасаларни молиялаштириш тартибини, учинчидан, уларда ишлаш учун кадрларни тайёрлашни кўзда тутади. Бу масалаларни ҳал қилиш учун Вазирлар Маҳкамаси икки ой ичида қарор қабул қилиши керак.

Қисқаси, санаб ўтилган уч йўналишдаги кенг қамровли қонунчилик, тарғибот-ташвиқий ва моддий-ташкилий масалаларни ҳал этиш учун икки йилдан ортиқ муддат керак бўлади.

Яна шуни айтиш керакки, Конституциямизнинг 24-моддасида **«Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир»**, деб мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан ташқари, Асосий Қонунимизнинг 13-моддасига кўра, **«инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади».**

Шу боис ўлим жазосини бекор қилиш, биринчидан, санаб ўтилган конституциявий қоидаларни ҳаётга тадбиқ этишни англатади; иккинчидан, инсон ҳаётини олий қадрият эканлигини яна бир бор тасдиқлайди, учинчидан, бу борадаги жаҳон ҳамжамиятидаги тамойилларга тўла мос келади.

Инсоният ўз тарихининг аксарият қисмида оғир жиноятлар учун ўлим жазосини қўллаб келган. Шу боис, ўлим жазосини бекор қилишда аҳолининг фикрини, албатта, ҳисобга олмоқ лозим. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг сўнгги социологик тадқиқотларига кўра, сўровга жавоб берганларнинг аксарияти ўлим жазосини бекор қилишга қаршидир. Шу боис Фармонда таъкидланганидек, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш ва олиб бориш фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини кўтаришга, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилгандир.

Умуман айтганда, мамлакатимизда жамият ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунга яққол мисол сифатида 1997 йилда парламентимиз томонидан қабул қилинган, жаҳон амалиётида учрамайдиган **«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»**ни кўрсатиш мумкин. Чунки демократик ҳуқуқий давлатни юқори ҳуқуқий маданиятли, юридик саводхон фуқаросиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шу боис ҳам ўлим жазосини бекор қилишдек тарихий тадбирни кенг кўламли тушунтириш ишларисиз амалга ошириб бўлмайди. Президентимиз Фармонида ҳам Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига ўлим жазосини бекор қилиш каби инсонпарварлик тадбирини амалга оширишга қаратилган кенг қамровли маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш топширилган.

Ўлим жазосини бекор қилиш борасидаги халқаро ва хорижий тажрибани ҳам кенг тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида хорижий давлатларда ва халқаро ташкилотларда ҳам мунтазам ахборот бериб бориш даркор. Чунки жаҳон ҳамжамиятида ўлим жазосини бекор қилиш у ёки бу давлатни демократик даражасини муҳим кўрсаткичи сифатида қабул қилинган.

## ОДИЛЛИК МЕЗОНИ

Президентимизнинг мазкур Фармони давлатчилигимиз тарихида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги биринчи ҳужжат сифатида беқиёс аҳамиятга эга.

Шунингдек, бу тарихий ҳужжат юртимизда ҳуқуқ соҳасида узоқни кўзлаб, оқилона тарзда олиб борилган кенг кўламли ислоҳотларнинг натижаси ўлароқ қабул қилинди. Айтмоқчиманки, мамлакатимизда ўлим жазосини бекор қилиш дунёнинг айрим давлатлари сингари шошма-шошарлик билан эмас, балки бу сиёсий ҳодисанинг ҳар бир нозик жиҳатларини инобатга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Юртимизда ўтган давр мобайнида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотларга назар ташлаб, бу ҳолга гувоҳ бўлиш мумкин.



Самира САИДҒОЗИЕВА, Адлия вазирлиги ходими

Ушбу Фармон қабул қилинишининг аҳамиятли томонлари қуйидагилардан иборатдир:

**- инсоннинг яшаш ҳуқуқи ҳеч қачон ва ҳеч қандай йўл билан бузилмаслигини таъминлайди;**

**- инсоннинг яшаш ҳуқуқи кафолати янада кучаяди;**

**- давлат инсоннинг ҳаётдан маҳрум қилишдек нокулай ҳаракатни содир этишдан халос бўлади;**

**- баъзан хато ва англашилмовчилик натижасида гуноҳсиз кишиларнинг ҳам ҳаётдан маҳрум қилиниши каби салбий ҳолатларга бутунлай чек қўйилади;**

**- мамлакатимиз қонунлари халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан уйғунлашиши янада кучаяди.**

Ҳеч кимга сир эмас, жазо чоралари ичида энг оғири бу ўлим жазосидир. Шу боис у бошқа жазо билан алмаштирилгач, бу жазонинг салмоғи, таъсир кучи ўлим жазосидан кам бўлмаслиги керак. Шу боис Фармонда ўлим жазоси умрбод қамоқ жазоси билан алмаштириш кўзда тутилган.

Масалан, террорчилик йўлига кириб, бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлган, фарзандларни отасиз қолишга ёки ота-оналарни фарзанд доғини тортишга мажбур қилган кимсаларнинг ёвуз қилмишларига узоқ муддатли қамоқ жазоси кам.

Бундай жиноятчиларга умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилиб, улар махсус ихтисослаштирилган муассасаларда жазо ўташи керак.

Бошқача айтганда, бундай қабиҳ жиноятга қўл урган кимсалар ўз қилган қилмишидан пушаймон бўлиши, у ҳам ўз яқинларидан, ота-онасидан маҳрум бўлиш, фарзанд доғи қандай бўлишини тушуниб етиши лозим. Яъни Оллоҳ таоло яратган банданинг яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қанчалик оғирлиги унинг онгига етиб бориши лозим. Агар биз узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига хукм қиладиган бўлсак, у 15-20 йилда яна озодликка чиқиши мумкин. Бундай вазиятда у эски қилмишларига қайта қўл урмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди. Шунинг учун бундай кимсаларни ҳаётда маҳрум этмай туриб, жамиятда ажратиш учун уларни умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

---

**Muloqot**

## НИЗО СУДДА ЕЧИМ ТОПАДИ

***Мен турмушга чиққанимда қайнотам онасининг уйини бизга бериб, "шу уй сизларники бўлади", деб айтган эди. Ўтган йиллар мобайнида эрим билан баробар меҳнат қилиб, уйни қайта таъмирладик, иккита янги хона ва қўшимча бинолар қурдик. Бу орада эрим машина сотиб олди. Бироқ у негадир машинани синглисининг номига расмийлаштириб қўйди. Кейин бозордан дўкон олиб, иккаламизнинг ўртамиздаги маблағ, яъни 5 миллион сўмга товар олиб, савдо қила бошладик. Аммо кейинчалик эрим арзимас сабаблар билан жанжаллашадиган одат чиқарди. Орадан бироз вақт ўтгач эса, на менга, на икки нафар фарзандимга ҳеч қандай мол-мулк бермасдан уйдан ҳайдаб юборди. Ҳатто мен билан қонуний ажрашмасдан туриб, бошқа бир қизга уйланиб олди. Уй қайнотамнинг, машина қайнсинглимнинг, дўкон эса эримнинг номига расмийлаштирилган. Улардан улуш олишга ҳаққим борми? Бунинг учун қаерга мурожаат қилишим керак?***

**Г.УЗОҚОВА, Шаҳрисабз тумани**

— Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, Оила кодексининг 23-28-моддалари оиладаги эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган бўлиб, эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги мулки умумий ҳисобланади. (23-модда) Эр-хотин умумий бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эгадир. (24-модда)

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш эр ва хотиндан бирининг талабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам, шунингдек, кредитор ва эр-хотиндан бирининг умумий мол-мулкдаги улушига ундирувни қаратиш учун умумий мол-мулк бўлиш талаби билан арз қилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Низо туғилган ҳолларда эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш, шунингдек, эр ва хотиннинг бу мол-мулкдаги улушини аниқлаш суд тартибида амалга оширилади. (27-модда)

Ушбу кодекснинг 28-моддасига мувофиқ эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш ҳамда уларнинг шу мол-мулкдаги улушларини аниқлашда, агар эр ва хотин ўртасида никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг деб ҳисобланади.

Суд вояга етмаган болалар манфаатларидан ва (ёки) эр ва хотиндан бирининг эътиборга лойиқ манфаатини ҳисобга олиб, жумладан, эр ва хотин узрсиз сабабларга кўра даромад олмаган бўлса ёҳуд эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса, умумий мол-мулкидаги улушлари тенглигидан чекланишга ҳақлидир.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлишда умумий қарзлари уларга белгиланган улушларга мутаносиб равишда ҳар иккаласи ўртасида тақсимланади.

Агар эр ва хотиндан бири умумий мол-мулкни эр ёки хотиннинг эркига зид равишда ва оила манфаатига мос бўлмаган ҳолда ўз хоҳишига кўра сарфланган ёки бошқа шахсга ўтказган бўлса, уни бўлишда бу мол-мулк ёки унинг қиймати ҳисобга олинади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, сиз оиладаги умумий мулкнинг тенг эгаси ҳисобланасиз. Шу боис сиз улуш олиш учун ўзингиз яшаб турган туманнинг фуқаролик судига мурожаат этишингиз лозим.

## ЎЗБОШИМЧАЛИК ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

***Одам ҳамиша орзу-ҳавас билан яшайди. Мен ҳам яхши ният билан фарзандларим вояга етгач, уй-жой қураман, деган фикрда 0,06 сотих ер олиб қўйган эдим. Бу ернинг ҳали атрофини ҳам ўрашга улгурганимиз йўқ эди. Хизмат юзасидан вақтинчалик бошқа шаҳарга оиламиз билан яшаб, қайтиб келсак, ўша олинган ерни бир қўшнимиз ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олибди. Унинг атрофини пахса девор билан ўраб ҳам олибди. Мен ундан бунинг сабабини сўрасам, бекор ётгани учун шундай қилганини айтди. Айтинг-чи, ер участкаларини эгасининг рухсатисиз эгаллаб олганларга қонунда қандай жазо чоралари белгиланган?***

**Маъруф ЖАББОРОВ, Уйчи тумани**

— Ҳа, қонунда бундай ўзбошимчалик учун жазо чоралари белгиланган. Жумладан, **"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"**ги ва Жиноят кодексларида жавобгарлик масаласи назарда тутилган. Масалан, Жиноят кодексининг 229 1-моддасида ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган ва унга мувофиқ, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, агар худди шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса:

— энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Қисқаси, ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар, албатта, биринчи марта маъмурий жавобгарликка тортилади. Шундан сўнг ҳам ушбу ғайриқонуний ҳаракатларини давом эттирса, жиноий жавобгарликка тортилади.

Сиз эса бу низони ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қиласиз.

**Саволларга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.**

---

**Jinoyatga jazo muqarrar**

***Турмушни электр қувватисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, қишнинг қорли-қировли кунларида электр таъминотидаги узилашлар қийинчилик туғдираётир. Бундан нолиб, ушбу соҳа мутасаддиларига учрашсангиз, улар қарз кўплигини айтишади. Уларнинг важида ҳам жон бор, албатта. Бироқ вилоятда электр таъминотини узлуксиз ва юқори кучланишда таъминловчи асбоб-ускуналарга ажратилган маблағларнинг бир гуруҳ мансабдорлар томонидан талон-тарож қилинганига нима дейсиз?!***

## ТРАНСФОРМАТОР "ОПЕРАЦИЯСИ"

### ЁХУД НАФС ЙЎЛДАН ОЗДИРГАН КИМСАЛАРНИНГ ҚИЛМИШИ ХУСУСИДА

**Фельетон ўрнида**

2003 йилнинг қиши Файзулла Сафаров учун омадли келди. У ўз соҳасининг билимдони сифатида Сурхондарё вилоят электр тармоқлари ОТАЖга раис этиб сайланганди. Бу унга билдирилган катта ишонч эди. Чунки корхона банкротлик ҳолатига тушиб, қарзга ботган, ишчи-хизматчилар ойлаб иш ҳақларини ололмасди. Ф. Сафаров зиммасидаги масъулиятни ҳис этиб, иш бошлади. Ўтган йилнинг беш ой мобайнида корхонанинг қарзи анчага камайди. Аммо ...

Шундай кунларнинг бирида Ф.Сафаров вилоят электр тармоқлари корхонасининг бош муҳандиси Омонтурди Бердимуродовни ҳузурига чорлаб, бир қатор туманлар учун кучли қувватга эга трансформаторлар зарурлигини, бунинг учун вазирлик номига маблағ ажратишни сўраб алоқа хати тайёрлашни буюрди.

Бошлиқнинг топшириғига кўра, ана шундай мазмундаги хат зудлик билан пойтахт томон йўлланди. Афтидан, вазирлик ҳам бу хатни кутиб турган шекилли, қисқа фурсатда вилоят электр тармоқлари корхонасининг ҳисоб рақамига 140 миллион сўм келиб тушди. Ўн кун ўтар-ўтмас Қашқадарё вилоятида рўйхатдан ўтган "ДРЕМ" хусусий фирмасининг вакили билан трансформаторлар етказиб бериш бўйича шартнома тузилиб, расмийлаштирилди.

Орадан тўрт ой ўтгач, бошлиқнинг топшириғига кўра, бош муҳандис О.Бердимуродов вазирликка трансформатор харид қилиш учун маблағ ажратишни сўраб иккинчи бор хат билан мурожаат қилди. Корхона 2004 йилнинг феврал ва март ойларида Жиззах вилоятида рўйхатдан ўтган "Ирена плюс" хусусий фирмаси билан ҳам трансформаторлар харид қилиш тўғрисидаги шартномани расмийлаштирилди. Юқорида номлари келтирилган хусусий фирмаларнинг ҳисоб рақамига ўтказилган катта маблағ эвазига 20 та трансформатор олиб келиниб, туманларга ўрнатилиши лозим эди. Бироқ йўли бузуқнинг ёқаси ҳамиша йиртиқ бўлади, деганларидек хусусий фирмалар трансформаторларни етказиб беришга шошишмади.

Раҳбар бўлмиш Ф.Сафаров эса Қашқадарё ва Жиззах вилоятларига бориб, шартнома тузган фирма раҳбарлари билан учрашиб, музокаралар олиб борди. Натижада 5 дона кучли қувватга эга бўлган трансформаторлар келтирилди. Хусусий фирма раҳбарлари қолганларини тезда етказишни ваъда қилиб қолишди. Бироқ улар ўз ваъдаларининг устидан чиқмагач, Ф.Сафаров яна сафарга отланди. Фирма раҳбарлари билан музокаралар олиб бориб, шартнома шартларини ўз вақтида бажаришни талаб қилди, акс ҳолда тегишли жойга мурожаат қилишини ҳам алоҳида таъкидлади. Дўқ-пўписалар кор қилди, шекилли, ўзини фирма вакили деб таништирган Баҳриддин исмли шахсдан у 70 минг доллар олиб қайтди. Трансформаторлар ўрнига 70 минг АҚШ доллари билан ишхонасига қайтган бошлиқ Ф.Сафаров бу пулнинг 5500 долларини бош муҳандис О.Бердимуродовга, 4500 долларини бош ҳисобчи П.Эшқуловга, бош муҳандис қолганини 1000, 1200 доллардан Қумқўрғон, Шўрчи, Музработ, Жарқўрғон, Денов, Бандихон, Термиз ва Олтинсой туманлари электр тармоқлари корхоналари бошлиқларига зарур электр қисмлар харид қиласизлар, деб бўлиб берди.

Топилмаган мол тоғ бошида, деганларидай, трансформаторлардан эса дарак йўқ эди. Вилоят электр тармоғи корхонасининг бошлиғи Файзулла Сафаров бунинг "чораси"ни топди: у Термиз, Музработ, Олтинсой, Шўрчи, Денов, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Сариосиё, Бандихон, Ангор туманлари электр тармоқлари корхонаси раҳбарларига ва бош муҳандисларига йўқни бор қилиш ҳақида кўрсатма берди. Яъни олинмаган трансформаторлар олиб келинди, дея қалбаки ҳужжатлар расмийлаштирилиб, имзоланди.

Бу орада вилоят электр тармоқлари корхонасида таъминотчи бўлиб ишлаётган Ҳайитмурод Эргашев ана шу талон-тарожликларни қоғозга тушириб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга шикоят хати йўллади. Туясидан қўнғироғи қимматга тушган трансформатор можароси юзага чиқиб, текшир-текшир бошланди. Турли соҳа мутахассислардан иборат махсус комиссия корхонадаги қинғир ишларни фош этди. Маълум бўлишича, олиб келинган трансформаторларнинг ҳам бир қисми эскирган, таъмирталаб бўлишига қарамай, юқори нархларда баҳоланган экан. Тергов жараёнида хусусий фирмалар ҳам шошилиб қолишди: зудлик билан яна 15 та трансформаторни олиб келиб ўрнатишди. Аммо терговда олиб келинган бу трансформаторлар ҳам эски, таъмирталаб экани, баъзиларининг эҳтиёт қисмлари етишмаслиги ошкор бўлди.

Яқинда ўтган жиноят ишлари бўйича вилоят суд мажлисида ушбу жиноий гуруҳнинг барча қилмишларига нуқта қўйилди. Вилоят электр тармоғи корхонасининг бошлиғи Ф.Сафаров, бош ҳисобчи Ч.Эшқулов, бош муҳандис О.Бердимуродов, Жарқўрғон туман электр тармоқлари ОТЖнинг собиқ раиси Х.Намозов, Шўрчи туман электр тармоқлари ОТЖнинг собиқ раиси Х.Сувонқулов турли муддатга озодликдан маҳрум этилди. Гуруҳнинг қолган аъзолари содир этишган жиноятларига қараб тегишли миқдорда моддий жаримага тортилишди. Ҳа, жиноят жазосиз қолмади. Жиноий жавобгарликка тортилган бу мансабдорларнинг обрўсига, жамоадаги ўрнига путур етди, эл олдида бошлари ҳам бўлди. Хўш, қинғирликнинг жазоси уларга сабоқ бўлармикан?

**Икромжон ШАЙМАНОВ, ҳуқуқшунос**
**Собир ЕДИКОВ, "Инсон ва қонун" мухбири**

